ҚАДРИМИЗ ҲАМ, ҚАДДИМИЗ ҲАМ ЮКСАЛДИ

Муҳтарам Президент!

Сизга хат ёзишдан аввал кўп мулоҳаза қилдим… Қимматли вақтини олмайманми? Менинг ёзганларимни ўқирмикан? Шу каби саволлар қўлимга қалам олганимда кўнглимдан ўтар ва яна иккиланар эдим. Кейин яна ўйладим: ахир миннатдорликни қандайдир изҳор этиш керак-ку, эзгуликнинг ҳам жавоби бўлиши керак. Сизнинг бир ташаббусингиз мен каби минглаб аёлларнинг ҳаётини ўзгартиргани рост-ку! Шуларни кўнглимдан ўтказдим-у, ёзишга қарор қилдим.

…Болаликдан II гуруҳ ногиронимаи. Кўзим яхши кўрмайди. Тақдир ўз аччиқ қисматини эрта бошимга солди. Шу сабабми, болалигимнинг ширин хотираларини ҳам эслай олмайман. Ўн ёшимда отамдан айрилдим. Орадан йиллар ўтиб, тоғдек суянган акам оламдан ўтди. Фарзанд доғи ёмон экан, бу кўргиликлардан кейин онам сиқила-сиқила касалманд бўлиб, тўшакка михланди.

Ҳали мактабни тамомламай, рўзғорнинг юки мен ва синглим Севаранинг гарданига тушди. Ҳамма тенгдошларим мактабга борса, мен синглим билан кунлик ишларга чиқардик. Онамнинг дори-дармонига етарли маблағ топиш учун иш танлаб ўтирмас эдик. Иш чиқса бас, эркаклар қиладиган оғир юмушларга ҳам бораверардик. Баъзан пул билан, баъзан эса қуруқ қўл билан қайтардик.

Тақдир экан, онам ҳам оламдан ўтди. Ёлғиз синглим билан чор-атрофи очиқ, йиллар давомида таъмир кўрмаган, ёмғир ёғса, чакки ўтадиган уйда қолдик. Қўлимиз ҳеч ишга бормас, устига-устак ўзим ҳам хасталаниб, ғам ботқоғига ботиб қолдим.

Яқинларимизни йўқотганимиздан кейин шу чоққача бизни ҳеч ким йўқлаб келмаган эди. Шу куни бетоблигим сабаб кунлик ишга чиқа олмаган эдим. Кутилмаган чақириқдан ташқарига чиқиб қарасам, уч-тўрт нафар киши турибди. Салом-аликдан кейин улар хонадонма-хонадон юриб, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб юришганини айтишди. Мен билан савол-жавоб қилиб, муаммоларимни қайд этишди, яшаш шароитимни ўрганишди. Суҳбат асноси «неча йилдан буён шу уйда яшайсиз?», деб сўраб қолишди. Уялиб кетдим. Елка қисиб,«болалигимдан», деб жавоб бердим. «Яна озгина сабр қиласиз, янгисини қуриб бергунимизча», дейишди. Очиғи, бу гапларга ишонишимни ҳам, ишонмаслигимни ҳам билмай қолдим. Ахир бу биз учун ақлга сиғмайдиган гаплар эди-да. Шундан сўнг синглим

иккимиз «Аёллар дафтари»га киритилдик. Қисқа муддат ичида бўш ер ўрнида икки хонали иморат қад ростлади.

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

40 ёшимгача деворлари лойсувоқ, ёмғир ёғса, томидан чакка ўтадиган, хароба бошпанада яшадим. Мен бу тақдирдан асло норизо эмасман. Аммо Аллоҳнинг марҳаматини қарангки, Сизнинг ғамхўрлигингиз туфайли мана бугун шундай шинам уйга эга бўлдик. Ҳозир дунёдаги энг бахтли аёллардан бириман, десам адашмаган бўламан. Бу яхшиликларингиздан кейин яшашга бўлган ишончим, умидим янада ортди.

Энди хотиржамман. Сизга мактуб ёзяпман-у, қувончим ичимга сиғмаяпти. Бу яхшиликларингизни, оталарча меҳрибонлигингизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Қачон Фарғонага келсангиз, бизнинг уйга ҳам, албатта, меҳмонга келинг! Чунки бу Сизнинг ҳам уйингиз.

Биз, Сиздек Президентимиз борлигидан инсон шаъни, қадр-қиммати улуғланадиган табаррук юрт фуқароси эканимиздан фахрланамиз.

Эҳтиром билан,

Мақсуда СОБИРОВА

Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, «Шодлик» маҳалласи

«Ишонч» газетасининг "Президентга мактублар" рукнидан олинди

2021-07-13 19:25:01